



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обва!

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 8 ноябрь, шанба

№91 (11.582)

Эркин нархда сотилади

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Сизларни 345 минг тонналик юксак пахта хирмони бунёд этиб, йиллик шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қишлоқ хўжалиги учун ҳар қачонгидан ҳам оғир келган бу йилги мураккаб табиий шароитда сиз, мард ва ориятли, сўзи билан иши бир сурхондарёлик пахтакорларнинг мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб қилган фидокорона меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингизнинг амалий натижаси бўлган бу улкан муваффақият барчамизни беҳад қувонтиради.

Бу йилги мавсумда сизларнинг пахтачилик билан бир қаторда ғалла етиштириш бўйича ҳам қўлга киритган катта меҳнат ғалабангиз замирида авваламбор Сурхон воҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, деқончиликка замонавий технологияларни кенг ва оқилона жорий этиш, одамларда меҳнатга янгича муносабатни, ерга эғалик туйғусини шакллантириш борасида амалга ошираётган ижобий ишларингиз мужассам, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламыз.

Бугунги ютуққа муносиб ҳисса қўшган Денов ва Сариосиё, Жарқўрғон ва Шўрчи, Термиз ва Кумқўрғон туманлари пахтакорларига, Сурхон воҳаси деқончилик мактабининг қадимий шуҳратини тиклаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай тинимсиз меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерлар, ширкат хўжаликлари аъзолари, меҳанизатор ва мутахассисларга, бутун вилоят аҳлига ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, тadbirkorлик ва омилкорлик фазилатларини намён этиб келаятган сиз, қалби қайноқ Сурхондарё аҳлининг бошқа соҳаларда ҳам юксак натижаларга эришиб, йилни ёруғ юз билан яқунлашингизга ишонаман.

Барчангизни бугунги меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қутлаб, сизларга сизат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳамиша омадингизни берсин, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг
Қ А Р О Р И

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши
қ а р о р қ и л а д и:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 2003 йил 11 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 6 ноябрь.

Муносабат

БИЛИБ ҚИЛИНГАН ТАРҒИБОТ

бутун мамлакатда аҳоли ўртасида
спортни кенг оммалаштиришнинг энг
таъсирчан омилларидан биридир

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш мақсадида изчил олиб борилаётган ислохотларнинг дастлабки амалий натижалари нафақат сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жабҳаларда, эътироф этиш керакки, спорт соҳасида ҳам яққол намён бўлмоқда. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон жаҳон спорт майдонига чикди. Ўнлаб иқтидорли ҳамюртларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон биринчиликлари ҳамда бошқа турли халқаро мусобақаларда ғолиблик шохсупасига кўтарилиб, она юртимиз байроғини баланд ҳилпиратмоқдалар, мил-

лий мадҳиямизни баралла янграймоқдалар.

Узоққа бормайлик, яқинда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўн кун давом этган «1-Африка-Осиё ўйинлари»да мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар. Хусусан, Ўзбекистон футбол жамоаси ушбу нуфузли халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Боксчиларимиз ҳам зўр маҳорат намойиш этиб, жами 5 та олтин ва 2 та бронза медалини қўлга киритдилар. Улар сафида вилоятимиз вакили Рустам Саидовнинг бор-

(Давоми 6-бетда).

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН

Мамлакатимизда амалга ошириляётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар фуқаролик жамиятини, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга хизмат қилиб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштирмоқда.

Бу борада қуйи бошқарув органларининг роли алоҳида аҳамият касб этмоқда. Йилдан-йилга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз манфаатларидан, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ўз ҳудудидаги масалаларни ҳал қилиш

борасидаги мустақил фаолияти кучайиб бормоқда. У қишлоқ, овул ва шаҳарча, шунингдек маҳалла фуқаролар йиғинлари саъй-ҳаракатлари тимсолида намён бўлаятир.

Шу кунларда республикаимизда ўзини ўзи бошқариш органлари оқсоқолларининг ваколат муддати тугаши муносабати би-

лан сайлов бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида уларни пухта тайёргарлик билан ўтказишнинг аҳамияти катта. Шу муносабат билан Тошкент вилояти ҳокимлигида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда бу муҳим ижтимоий-сиёсий кампанияни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди. Семинар-

(Давоми 2-бетда).

ТАЛАБ КАТТА, МАСЪУЛИЯТ ҲАМ

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар қизгин давом этмоқда. Дастлабки ҳисобот-сайлов йиғинлари Зангиота ҳамда Кибрай туманларида бўлиб ўтмоқда. Жўмладан, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 17 та маҳалланинг саккизтасида сайловлар яқунланди.

— Бу галги сайловлар олдингиларидан кескин фарқ қилаётир, — дейди Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом

Жўраев. — Чунки, ҳозир одамлар маҳалла оқсоқолидан нималарни талаб қилишни тушуниб етдилар. Шунинг учун ҳам,

йиғилишларда муҳокамалар қизгин кечмоқда. Маҳалла аҳли оқсоқолнинг ҳисоботини тинглаб, қайси гапи ҳақ, қайси гапи нотўғри эканлигини дангал айтмоқда. Масалан, З. Зокирова номли маҳаллада ўтган сайловда аҳоли оқсоқолнинг бир қатор хато ва камчиликларини танқид остига олди. Маҳалла қўмитасининг 2,5 йиллик фаолиятига

(Давоми 2-бетда).



**AZIZ
D'OSTLAR!**

Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс — 205.

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида **2004 йил учун** бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам **обуна** расмийлаштирилиши давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН



кенгаш ишида шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, ҳисобот-сайловларни ўтказишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди.

Семинар-кенгашни Тошкент вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари — вилоят ҳокимининг ўринбосари Юнусхон Шарипов бошқарди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бугунги кунда юкланаётган вазифалар доираси нихоятда кенг. Маҳаллий ҳокимият бошқарувининг кўпгина ваколатлари босқичма-босқич уларнинг тасарруфига ўтказилипти. Бугун маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарчаларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари муайян ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, ободонлаштириш ва санитария

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳолатини яхшилаш, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, маънавий-маданий тарбияни йўлга қўйиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, яраштирув комиссиялари ишини ташкил этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашиш, ерлардан самарали фойдаланилишини назорат қилиш вазифаларини ҳал қилмоқдалар. Улар урф-одатларимиз ва анъаналаримизни тиклаб, айниқса, ёшларнинг тарбиясига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, семинарда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни, бу соҳада улар олиб борадиган ишларнинг усул ва услубларига алоҳида эътибор қаратилди.

Табиийки, фуқароларнинг қишлоқ, овул, шаҳарча ва маҳалла йиғинлари раислари — оқсоқоллар зиммасига бундай серқирра ва мураккаб вазифаларнинг юкланиши, улар шуғулланадиган ишлар доирасининг кенгайиб бораётганлиги оқсо-

қолликка номзодларни танлаш, уларнинг билимлари ва ишчанлик қобилиятларини ўрганишга алоҳида талаблар қўймоқда. Одамларнинг орзу-умидлари, талаб-эҳтиёжларини, ҳаёт келтириб чиқараётган муаммоларни теран ҳис қилиш ва уларни ишчанлик билан ҳал қилиш оқсоқолларнинг энг муҳим юмушларидан биридир.

Семинарда сайловларни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, оқсоқолликка номзодларни танлаш ва ўрганишда ўзини ўзи бошқариш органларига ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган маърузалар, айниқса, мазмунли бўлди.

Биламизки, бу ҳисобот-сайловлар уюшқоқлик билан ўтиши, оқсоқолликка муносиб номзодларнинг танланиши, улар муҳокамасининг очик-ошқора, холис ва талабчан тус олиши жуда муҳим. Бунга эришишда «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» ва бошқа жамғарма ва жамоат ташкилотларининг фаолияти муҳим ўрин тутди.

Шуни назарга олиб, уларнинг шу жараёндаги иштирокига амалий тус бериш лозимлиги таъкидланди. Ҳисобот-сайловларнинг боришини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини жонлантириш, фуқаролар фаоллигини кучайтириш, сай-

МАЗМУНЛИ ҲОРАДИҚ

Яқинда «Нуроний» жамғармасы туман бўлимининг ташаббуси билан бир гуруҳ қибрайлик кексалар Самарканд ва Бухоро шаҳарларига зиёратга бориб қайтди-лар.

Улар саёҳат давомида Имом ал-Бухорий, Абдуҳолик Ғиждувоний сингари аллома боболаримиз ёдгорликларида бўлишди ва ушбу тарихий шаҳарларнинг диққатга сазовор қадамжоларини зиёрат этишди. Ушбу сафар вилоят шаҳарлараро йўловчилар ташвиш автокорхонаси ташаббуси ва ҳомийлигида амалга оширилди.

ҲАМКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Чирчиқдаги «Электромех-саноат» очик турдаги акционерлик жамиятида мамлакатимиз валюта тушумини бойитиш йўлида қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Корхона ишлаб чиқараётган маъданли ўғитларга хорижий мамлакатларда талаб катталиги ва унинг сифати бу йўлдаги муваффақиятларга омил бўлмоқда. Яқинда жамиятга қарашли «Капролактан» заводида ишлаб чиқарилаётган аммоний сульфат маъданли ўғитидан Эрон Ислום Республикасига 15 минг тонна микдорда етказиб бериш ҳақида ўзаро шартнома имзоланганди. Ҳозиргача бу маҳсулотлар юкланган 140 та темир йўл вагонини истеъмолчиларга жўнатишга муваффақ бўлинди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

КУТУБХОНА ВА РЕКЛАМА

Ҳар бир соҳа ривожда реклама ва тарғибот-ташвиқотнинг аҳамияти катта. Яқинда Чирчиқда энг яхши кутубхона тарғиботи танлови бўлиб ўтиб, унда шаҳардаги барча зиё масканларидан вакиллар катнашди.

Кўрик иштирокчилари рекламанинг тўрт тури — кутубхонанинг нишон ва шиори, нурхона имкониятларини ифодаловчи йўриқнома, китоблар кўргазмаси ва клублар фаолияти бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди. Қатнашчиларнинг экология, маънавият ва маърифат, атоқли шоира Зулфия ижодида оид мавзулардаги китоб кўргазмалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ҳайъат аъзолари танланган мавзуларнинг долзарблиги, бадий безатилиши ва ахборот билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда биринчи ўринга шаҳардаги 8-кутубхона мудираси В. Салимовани лойиқ топишди. Танловнинг барча иштирокчилари шаҳар маданият ишлари бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши мукофотлари билан тақдирландилар.

Камола СУННАТОВА.

ТАЛАБ КАТТА, МАСЪУЛИЯТ ҲАМ

талабчанлик билан баҳо берди. Кўриниб турибдики, жойларда муҳокамалар демократик тарзда, сайлов эса кўпинча очик овоз бериш йўли билан ўтмоқда.

Кўмита фаоллари оқсоқол бошчилигида ўз вазифа ва бурчларини сидқидилдан бажариб келаётган маҳаллаларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари, айниқса, юксак савияда ўтаётди. Жумладан, Хонобод маҳалласида ҳисобот даврида бутун маҳалла кўз ўнгида бир қатор ободонлаштириш ва хайрия ишлари амалга оширилди. Аввало, маҳалла кўмитасининг идораси тубдан қайта таъмирланиб, кўйи бошқарув органлари фаолиятига оид турли плакат ва шиорлар, катта тувакларда ўстирилган турфа гуллар билан безатилди. Шу қишлоқда туғилиб, вояга етиб, мамлакат ва жамиятга кўп меҳнати сингган 50 нафарга яқин фидойи фуқаронинг портретлари осилди.

Маҳалла ёшлари учун янги кутубхона қурилиб, китоб жамғармаси бойитилди. Бир километрдан зиёд Беруний кўчаси таъмирланди. Аҳоли сони ортиб бораётгани муносабати билан янги электр подстанцияси ва газ тақсимлагич қурилмаси ўрнатилди. Болалар спортини ривожлантириш умумхалқ ҳаракати бошлангандан буён ўтган қисқа даврда маҳалла гузарида футбол ўйингоҳи барпо этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди ва машғулотлар мунтазам йўлга

(Давоми. Боши 1-бетда).



қўйилди. Ёшлар футбол жамоаси туман биринчилиги мусобақаларида муваффақиятли катнашиб, чемпион номини қўлга киритди. Ҳозир учта гуруҳ — болалар, ўсмирлар ва ёшлар футбол жамоалари шаклланиб, турли мусобақаларда мунтазам иштирок этмоқда.

Ҳар йили Мустақиллик, Наврўз, 8 март байрамлари катта тантана билан нишонланади. Аҳолига ош тортиш, концерт уюштиришдан ташқари ёлғиз қариялар, ногиронлар, ночор, кўп болали оилалар моддий қўллаб-қувватланади.

Бу ишларнинг барчаси бутун аҳолининг кўз ўнгида амалга оширилаётгани боис, ҳисобот-сайлов йиғилиши маҳалла аҳолининг фаоллиги билан яхши кайфият ва кўтаринки руҳда ўтди. Сўзга чиққанлар маҳалла кўмитасининг фаолиятига ижобий баҳо бердилар. Натижада маҳалла оқсоқоли, унинг маслаҳатчилари янги муддатга тўла аввалги таркибда яқдиллик билан сайландилар.

Шу кун Номданак маҳалласида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда

дастлаб маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли икки ярим йил мобайнида маҳаллада қилинган ишлар юзасидан ҳисоб берди. Кейин тафтиш комиссияси раисининг сарф-харажатлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Маҳалла аҳолиси бу ҳисоботларни алоҳида талабчанлик билан муҳокама қилди. Маҳалла оқсоқоллигига номзодлар кўрсатилди. Бироқ очик овоз бериш йўли билан Турдубой Нажимов маҳалланинг оқсоқоли этиб қайта сайланди.

Мана шу йўл билан сайланган оқсоқол ваколат муддати даврида масъулият билан ишлайди, халқ хизматида ҳамиша камарбаста бўлади. Буни сайловчилар ҳам яхши тушуниб туришибди. Шу сабаб овоз бериш чоғида номзодларга қатъий талаблар қўймоқдалар.

Абдусамод ЙЎЛДОШЕВ,
Камолиддин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбирлари.

СУРАТДА: «Номданак» маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғилишидан лавҳа.

«КАМОЛОТ» БИЛАН БИРГА

«Пахта-2003» мавсуми бошида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ташаббуси билан тарғибот-ташвиқот гуруҳи ташкил этилган. Мазкур гуруҳ вилоятимизнинг зарбдор хўжаликларида пахта йигим-теримида қатнашаётган ёшлар ҳузурида бўлиб, кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Унинг таркибида истеъдодли ёш санъаткорлар, Зулфия, «Ўзбекистон белгиси» мукофотлари соҳиблари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шоир ва ёзувчилар бор. Шундай тадбирлардан бири яқинда Бўка туманидаги «Кўкорол» ширкат хўжалигида бўлиб ўтди. Ундан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан ўтишнинг афзалликларини тарғиб этишдан иборат бўлиб, унинг доирасида «Соғлигимиз ўз қўлимизда», «Тозалик — соғлиқ гарови», «Камқонлиқнинг олдини олиш» мавзусида буклетлар ҳам тарқатилди. Тадбир давомида терим илғорларига эсдалик совғалари топширилди. Вилоятимиз кўшиқ мухлислариغا яхши таниш бўлган Раъно Ўразбоева ижросидаги кўшиқлар эса даврага кўтаринки руҳ бағишлади.

Валижон БОБОЕВ.

Тунги ўн иккилар 02 раками терилган телефон бегокат жиринглади.

— Хонобод милиция бўлими навбатчилик қисми эшитади.

Гўшакнинг нариги тарафидан қандайдир нохуш хабар етказилди чоғи, навбатчи ёнида сергак турган Комил Қулматовга юзланди.

— Дадахўжаев маҳалласида қотиллик содир бўлибди. Бир безори ярим тунда бировнинг хонадонига бостириб кириб, уй эгасини пичоқлабди.

Лейтенант Қулматов шу заҳоти шашт билан ўридан турди-да, воқеа жойига шошилди. У етиб келганида хонадонда қий-чув, тўс-тўполон авжида эди. Ширакайф бир киши эса, ҳеч кимга сўз бермай, қўлида пичоқ билан дуч келган одамни қувларди.

Маълум бўлишича, қаердандир зиёфатдан кайфи ошиб қайтаётган киши хонадон эшигини тақиллатган. Уй эгаси чиққанда, қўйнига ғаразли ният билан солиб қўйган пичогини унинг қорнига тикиб олган. Афсуски, жабрдийда шу заҳоти дунёдан кўз юмган.

Қотил қилиб қўйган иши қандай разиллик эканлигининг фаҳмига ҳам бормай, яна жиноятини давом эттириш пайида эди.

Карим қаққонлик билан унинг қўлига ёпишди. Жиноятчи чап берди ва Каримнинг ҳам биқинига пичоқ учини суқиб олди.

Кизиқ устида Карим буни сезмади. Чунки, елкадаги масъулият тандаги огриқдан устун эди. У ва ҳамкасбининг анча уринишидан

10 ноябрь — Халқаро ёшлар куни

Ҳеч бир миллат ўз келажагини ҳар жиҳатдан баркамол ёшларсиз тасаввур қила олмайди. Янгиланаётган Ўзбекистонда ҳам ёшлар орасидан фидойи ташкилотчилар, ташаббускор етакчилар кўплаб етишиб чиқаётир. Илм-фан асосларини пухта эгаллаб, малакали мутахассислар бўлиб етишаётган йигит-қизларимиз канча. Маданият, маънавият соҳаларида, саноат ва қишлоқ хўжалигида, аҳолига хизмат кўрсатишнинг турли жабҳаларида ўн минглаб ёшлар меҳнат қилмоқдалар.

— Бугун биз вилоятимизда фаолият кўрсатаётган жамият ва давлат иши учун жонкуяр юзлаб гайратли ёш ташкилотчилар билан фахрланамиз, — дейди «Камолот» Ёшлар ижтимоий

ЕТАКЧИЛАР

ҳаракати вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Диёр Алимов. — Сўнгги рейтинг

жараёнида «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар ва туман кенгашлари раис-



ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ — ҲИМОЯДА

Янгийўл шаҳрида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти фаолият кўрсатаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Шунга қарамай, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари даражасида иш юритишга эришилмоқда. Бугунги кунда истеъмолчилар бу жамиятга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олади-

ган ташкилот сифатида қарамқдалар.

Жамиятда ҳар бир ариза ва мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Шу давргача аҳолидан тушган 19 аризанинг

17 таси ижобий ҳал қилинди. Жумладан, «Умид» мулкдорлар ширкатиға қарашли кўпқаватли уйларда сув таъминоти яхшиланди. Коммунал хизмати ҳақини ундиришдаги айрим номуаъқулчиликларга чек қўйилди. «Янги ҳаёт» мулкдорлар ширкати уй раҳбарлари билан юзма-юз мулоқот ўтказилиб, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари атрофлича тушунтирилди.

Ҳозирда жамиятнинг жойларда 28 та таянч гуруҳлари ишлаб турибди.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

Ушбу таянч пунктларида ички ишлар ходимлари билан бирга маҳалла жамоатчилиги вакиллари ҳам фаолият юритадилар. Хусусан, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари, халқ посбонлари, яраштирув комиссияси вакиллари доим шу ерда. Ҳар қандай ҳодиса ва келишмовчиликларни бамаслаҳат ҳал этишади.

— Қишлоқда 23 минг аҳоли яшайди, — дейди қишлоқ ички ишлар бўлими бошлиғи Тоҳир Баҳромов. — Шундан қарийб 60 фоиздан кўпроғи ёшлар ва вояга етмаган ўсмирлар ҳисобланади. Улар ўртасидаги жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг тинч ва осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш бизнинг асосий мақсадимиз. Халқимиз тунлари хотиржам ухлаб, тонгда кўнгли тўқ уйғонса, биз ўз вазифамизни бажарган бўламиз. Шу ўринда айтиш керакки, 17 та маҳалланинг барчасида 105 нафар халқ посбони бизга елкадош бўлиб фидойилик кўрсатмоқда.

Натижада қишлоқда жамоат тартибини сақлаш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш, майда безорилик, ўғрилик каби жиноятлар кескин камайди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

СУРАТДА: ички ишлар бўлими ва қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари келгуси режаларни муҳокама қилишмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

«БОЛАЛАР ВА СУВ»

Пойтахтимизда шундай шиор остида биринчи экологик фестиваль бўлиб ўтди. БМТ томонидан "Чўчук сув йили" деб эълон қилинган йилда ўтказилган бу фестивални "Биоэкосан" республика ўқув-услубий маркази Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ва бошқа ташкилотлар кўмағида ташкил этди.

Ҳозирда дунёнинг кўплаб давлатларида чўчук сув тақчиллиги тобора ортиб бормоқда. Баъзи мамлакатларда сувнинг етишмаслиги иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айнан шу боис ўсиб келаётган авлодда экологик маданиятни шакллантириш билан фаол шуғулланиш даркор. Зеро, сайёрамизнинг келажаги шу авлод қўлида.

Мазкур тадбирни қўшимча таълимга тааллуқли дейиш мумкин. Баъзи жиҳатлари эртакларга ўхшаб кетадиган ўйин шаклидаги машғулотларда болалар ҳаётини кўникмаларни эгаллаш ва бир-бири билан мулоқотда бўлди. Фестиваль сувни тежаш билан шуғулланувчи амалиётчи олимлар, маданият, таълим, оммавий ахборот воситалари вакиллари тўплади. Анжуман чўчук сувдан оқилонга фойдаланиш муаммоси ҳақида суҳбатлашиб олишнинг биринчи уринишигина эмас, экологик тафаккурни шакллантириш йўлида ижод қилиш имконияти ҳамдир. Чунки ушбу анжуман экологик-биологик йўналишдаги қўшимча таълим муассасалари ҳамда болалар ва ёшлар тўғралакларининг ишини фаоллаштириш учун ўтказилди.

Фестиваль доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида экологик танлов ҳам бўлиб ўтди. Энг яхши фотосуратлар, плакатлар, бадиий дастурлар ва бошқа ижодий ишлар танлаб олинди. Фолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.**

СИЗНИ ЭШИТАДИ

Ички ишлар ходимлари юрт тинчлиги, эл хотиржамлиги, аҳоли осойишталигини таъминлаш йўлида ҳамиша сергаклар



ҳали хануз ёдидан чиқмаган, — ҳикоя қилади Зангиота тумани, Хонобод қишлоғи ички ишлар бўлимидаги жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг бошлиғи Шухрат Тожиев. — Ана шундан сўнг бўлимимиз иши яна бир бор таҳлил этиб чи-

ҳашари йўли билан 2 та милиция таянч пункти қуриб битказилди. Унинг бири «Мустақиллик» ширкат хўжалиги худудидидаги А. Икромов маҳалласида бўлса, иккинчиси «Қорасув» фермер хўжалигидаги Кумариқ маҳалласида жойлашган.

Dushanba

10

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққати!
Профилактика муносабати билан 10 ноябрь кун «Ўзбекистон» телеканалда ўз кўрсатувларини соат 14.00 дан бошлайди.

14.00 Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш мусобақаси. Гонконг ва Таиланд терма жамоалари учрашуви. «ЖАР» стадионидан олиб кўрсатилади. Танафус. пайтида - Янгилар.

15.50 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

16.10 ТВ-анонс.

16.15 «Талваса».

Видеофильм. 2-қисм.

16.50 Мумтоз наволар.

17.05 Рамазон тухфаси. «Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз».

17.30 «Олтин тож».

Телевизион ўйин.

18.00 Янгилар.

18.10 «Мулкдор».

18.25 «Кўшигимиз Сизга армуғон».

18.45 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».

19.05 «Қалқон».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон Республикаси ИИВ намунали кўргазмали оркестрининг концерти.

21.30 «Келин-куёв».

Телешоу.

22.30 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.

23.30 «Ахборот-дай-жест».

23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

16.30 Кўрсатувлар дастури.

16.35 «Янги авлод» почтаси.

16.50 ТВ-анонс.

16.55 Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш ўйинлари. Тожикистон-Ўзбекистон. Танафус пайтида (17.45) Мультфильм.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 «Меҳр кўзда».

Мактубларга шарҳ.

20.00 Мусикий лаҳзалар.

20.10 Сув - ҳаёт манбаи.

20.15 Ёшлар овози.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35 Ёллонлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.

23.35 -23.40 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВ да сериал: «Ит уяси».

17.45 Болажонлар экрани.

17.55 «Хориж хабарлари» (рус)

18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».

18.30, 20.00, 20.35, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.15 «Хориж хабарлари».

19.20 ТТВ да сериал: «2000 йилдан сўнг».

20.20 «Авто-news».

21.00 «Инсон ва қонун».

21.25 ТТВ да сериал: «Лўлининг бахти».

22.25 Кинонигоҳ.

«Дарахтга тирмашиб».

23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

17.30 Кўрсатувлар тартиби.

17.35 «Вести».

17.45 «Парле ву франсе?».

18.10 «Спорт масканларида».

18.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

18.45 «Евроњьюс» янгилар.

19.00 А. Пугачева, М. Галкин, С. Ротару байрам концертида.

21.00 «Время».

21.30 «Бизнес-ревью».

21.35 «Кулгу хонаси».

22.20 «Ахборот».

22.55 Кинематограф. «Плезантвил».

Бадий фильм.

00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур».

17.30, 20.45 «Телехамкор».

18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Донни Дарко».

19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Ҳеч нарса кўрмайман, ҳеч нарса эшитмайман».

23.15 «30-канал» да спорт.

Seshanba

11

«Ўзбекистон» телеканал

5.10 Рамазон тухфаси: «Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз».

5.35 «Хаттотлик санъати». Телефильм.

5.50 Олтин мерос.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 Газеталар шарҳи.

8.55 «Санъатга бахшида умр».

9.20 «Мулкдор».

9.40 «Рангин дунё».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

11.20 «Ғаройибкентга саёҳат».

11.50 ТВ клип.

12.05 «Кўпчилик қаторида».

12.25 ТВ-анонс.

12.30 «Олимп сари йўл».

Спорт дастури.

12.50 «Олтин дала».

Дам олиш дастури.

13.20 «Талваса».

Видеофильм. 3-қисм.

14.10 «Муносабат».

14.40 ТВ клип.

14.50 «Бизнес ҳафта».

15.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.

16.05 «Ватанимга хизмат қиламан».

17.05 Рамазон тухфаси. «Маҳалла - одоб ўчоғи».

17.25 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.

17.55 ТВ маркет.

18.10 «Олтин бешик».

18.35 «Ўзбектелефильм» намоиш этади: «Восил Қобулов».

19.00 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгилар» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Истеъмолчи».

21.25 «Мусанниф». О. Отаев.

21.45 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».

22.05 «Ошин». Телесериал.

23.05 «Ахборот-дай-жест».

23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танафус, Бахтли болалар.

9.55 Кинотакдим.

10.15 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.50 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Бор эканда, йўқ экан».

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.30 ТВ - адвокат.

11.35 «Гвадалупе».

Телесериал.

12.15 Ёшлар овози.

12.35 «Фарзандим».

жигарбандим». Соғлом она - соғлом бола.

12.50 Мусикий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 «Янги авлод» почтаси, Болалар адабиёти.

13.50 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Лафз». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 6 қисм (яқунловчи).

14.25 Интерфутбол.

16.05 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Темурийлар тарихи давлат музеи».

16.20 Кўрсатувлар дастури.

16.25 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Ёқимли иштаҳа.

16.55 «Мульттомоша».

17.10 Таянч.

17.30 «Япониянинг боқий маданияти». Сериал 10-қисм.

17.50 Истиклол умидлари.

18.10 Автопатрул.

18.30 «Эрта сўнган юлдузлар» (хатлар асосида)

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр» - интервью.

19.50 ТВ - анонс.

19.55 Марди-майдон.

20.15 Мусикий лаҳзалар.

20.20 Бир ўлкаки.

20.40, 21.25, 22.35 Ёллонлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.

23.45 - 23.50 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.05 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВ да сериал: «Ит уяси».

17.45 Мультфильм.

17.55 «Хориж хабарлари» (рус)

18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 Болажонлар экрани.

18.30, 20.00, 21.20,

22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.15 «Хориж хабарлари».

19.20 ТТВ да сериал: «2000 йилдан сўнг».

20.20 «Туризм ҳақида».

21.00 «Ҳамшаҳарлар».

21.35 ТТВ да сериал: «Лўлининг бахти».

22.35 Кинонигоҳ. «Тўй хангомаси».

00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00 - 8.30.

17.30 Кўрсатувлар тартиби.

17.35 «Вести».

17.45 «Жонли табиат».

17.55 «Мультсеанс».

18.25 «Польша республикасининг мустақиллиги кун».

18.30 «Кутилмаган ракурс». К. Занусси билан учрашув.

18.50 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

19.50 «Нина». Сериал.

21.00 «Время».

21.30 «Кутлуг кунлар».

Кўп-сериали фильм. 1-қисм.

22.40 «Бизнес ревью».

22.45 Кинематограф. «Яширинган хазиналар».

Бадий фильм. Реж. К. Занусси.

23.45 «Ахборот».

00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур».

11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Ҳеч нарса кўрмайман, ҳеч нарса эшитмайман». Фильм.

13.30 «У қотиллики баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «Кикбоксинг империяси».

16.40 Хўжжати сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Қора қарқаралар сири».

19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Теле-табрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Мен, яна мен ва Ирэн». 23.15 «30-да спорт».

Chorshanba

12

«Ўзбекистон» телеканал

5.10 Рамазон тухфаси. «Маҳалла - одоб ўчоғи».

5.30 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Бибиҳоним».

5.40 Мумтоз наволар.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси»:

9.00 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Сехрли тун». Бадий фильм.

11.05 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».

11.25 «Зарғалдоқ».

Мультфильм.

11.45 «Авторалли - 2003».

12.05 «Халқнинг кўнгли». Ижодкор ва томошабинлар учрашуви.

12.50 ТВ клип.

13.00 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Истеъмолчи».

14.30 «Ягона оилада».

15.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.

16.00 ТВ-анонс.

16.05 «Яхшилик».

16.40 «Кизикарли учрашувлар».

17.05 Рамазон тухфаси. «Ҳалоллик фазилатлари».

17.25 «Болаликнинг мовий осмони».

18.10 «Истеъдод».

18.30 «Тиббиёт одимлари».

18.45 «Қалб гавҳари».

19.05 «Ҳаётимиз комуси».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Озма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 Санъат усталарининг концерти.

21.25 «Тараққиёт уфқлари».

21.45 «Ошин». Телесериал.

22.45 «Ахборот-дай-жест».

23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Ёқимли иштаҳа.

9.50 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.25 «Давр» - интервью.

10.40 «Эрта сўнган юлдузлар» (хатлар асосида)

11.00 Таянч.

11.20 «Гвадалупе».

Телесериал.

12.00 Ёшлар овози.

12.20 Минг бир ривоят.

12.25 «Меҳр кўзда».

Мактубларга шарҳ.

12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Эркатой».

Болалар учун фильм 1-қисм.

13.50 Бир ўлкаки.

14.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.

15.10 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Каратэ менинг ҳаётим».

15.35 Хазина.

15.50 Мусикий лаҳзалар.

16.00 Автопатрул.

16.20 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Тошкент давлат маданият институти».

16.40 «Муттолаа». Япон мумтоз шеърятидан.

17.00 ТВ - анонс.

17.05 Кўрсатувлар дастури.

17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Соғлом авлод.

17.40 «Соябон менинг ҳамроҳим». Мультфильм.

17.50 Ёшлар овози.

18.10 Далил ва шарҳ.

18.20 Чемпион сирлари.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 Очил дастурхон.

20.00 Спорт-лото.

20.10 Мусикий лаҳзалар.

20.20 Одамлар орасида.

20.40 ТВ - адвокат.

20.45, 21.30, 22.35 Ёллонлар.

20.50 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.35 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.

23.35-23.40 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВ да сериал: «Ит уяси».

17.45 Болажонлар экрани.

17.55 Хориж хабарлари (рус)

18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Мусикий меҳмонхона».

18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

кутлаймиз».

19.15 «Хориж хабарлари».

19.20 ТТВ да сериал: «2000 йилдан сўнг».

20.20 «Аёл қалби».

20.55 «Химоя».

21.30 ТТВ да сериал: «Лўлининг бахти».

22.30 Кинонигоҳ. «Зита ва Гита». 1-қисм.

23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 7.00 - 8.30.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Вести».

17.10 «Қоялардан сакраш». Хўжжати фильм.

17.30 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Портрет», «Самарқанд».

17.50 «Ҳинд оҳанглари».

18.15 «Спорт технологияси».

18.30 «Евроњьюс» янгилар.

18.50 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

19.50 «Нина». Сериал.

21.00 «Время».

21.30 «Кутлуг кунлар».

Кўп-сериали фильм. 2-қисм.

22.40 «Бизнес ревью».

22.45 «Муваффақият назарияси».

23.00 «Ахборот».

23.35 Кинематограф. «Муваффақият».

Бадий фильм.

00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар».

Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт».

11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Мен, яна мен ва Ирэн». Фильм. 13.30 «У қотиллики баён этди».

Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хўжжати сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Универсал аскар».

Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши».

Сериал. 21.05 «Клип-совға». Теле-табрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Жоннон». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

13

«Ўзбекистон» телеканал

5.10 Рамазон тухфаси. «Ҳалоллик фазилатлари».

5.30 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: Жалолдин Мангуберди.

5.45 Мумтоз наволар.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Кизикарли учрашувлар».

2. «Болаликнинг мовий осмони».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Ғаройиб тўти Полли». Бадий фильм.

11.30 «Тиббиёт одимлари».

11.45 «Қайғусиз қувонч бўлмас». Мультфильм.

12.20 «Қалб гавҳари».

12.40 «Мусиқа ва театр».

13.00 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Ҳаётимиз комуси».

14.30 «Оқ ва қора». Телешоу.

15.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.

16.05 1. «Сехрли харфлар оролчаси».

2. «Цирк, цирк, цирк».

17.05 Рамазон тухфаси. Юртимиз муҳаддислари: «Имом Бухорий». Телефильм.

17.30 «Соз сехри».

17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.

18.10 «Сихат-саломатлик».

18.30 «Ўзбекистон ифтихори». И. Тўлаганова.

18.55 ТВ клип.

19.00 «Бир жиноят изидан».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёллонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Оқшом эртаклари».

20.15 FCN «Ўзбекистон янгилар» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Телемулоқот.

21.50 ТВ клип.

22.00 «Ошин». Телесериал.

23.00 «Ахборот-дай-жест».

23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод»

студияси: Оқ кабутар, Соғлом авлод.

9.50 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.25 Тафаккур ёлқинлари.

10.40 Ёшлар овози.

11.00 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Водил».

11.10 Далил ва шарҳ.

11.20 ТВ - адвокат.

11.25 «Гвадалупе».

Телесериал.

12.05 Чемпион сирлари (рус тилида)

12.25 Спорт қитъаси (рус тилида)

12.50 Мусикий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Эркатой».

Болалар учун фильм 2-қисм.

13.50 Одамлар орасида.

14.10 Интерфутбол.

15.50 Мусикий лаҳзалар.

16.00 «Учинчи сайёра».

Маърифий дастури.

16.50 Кўрсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Томир.

17.35 «Хурматталаб»

алвасти». Мультфильм.
17.45 Чегарачи.
18.05 Сийрат.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Мусикий лаҳзалар.
20.20 Қутқарув 050.
20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар.
20.45 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.30 Бегийм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар

тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.00, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарла-

ри».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Бурч ва масъулият».
20.50 «Эл хизматида».
21.25 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.25 Кинонигоҳ. «Зита ва Гита».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00-

8.30.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вести».
17.45 «Ўз-ўзига режиссёр».
18.30 «Евроныйос» янгилликлари.
18.50 «Ишонч ва муҳаббат замини».
Сериал.
19.50 «Нина». Сериал.
21.00 «Время».
21.30 «Кутлуг кунлар». 3-қисм.
22.40 «Бизнес ревью».

22.45 «Ишбилармон кишилар».
23.05 «FCN Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
23.15 «Юқори технологи-ялар олами».
23.25 «Ахборот».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»

Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Жон-нон». Фильм. 13.30 «У қотиллики баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Эржоль ва Шерлок мафияга қарши». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Давр йўлқалари-2». 23.15 Спорт дастури.

Juma

14

«Ўзбекистон» телеканали

5.10 Рамазон тухфаси. Юртимиз муҳаддислари: «Имом Бухорий». Телесериал.
5.35 Кўкон шаҳар маданият уйи макомчилар ансамблининг концерти.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сехрли харфлар оролчаси».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлари.
10.05 «Меҳр қолур».
10.25 «Миллион кифоя». Бадий фильм.
11.55, 14.55 ТВ анонс.
12.05 «Ўзгилнинг намоён қил». Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси.

12.25 «Бир жиноят изидан».
12.50 ТВ клип.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
15.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
16.00 «Чорраҳа».
16.20 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.05 Рамазон тухфаси. «Имом Термизий». Телесериал.
17.30 «Озод юрт одамлари».
17.45 Болалар учун. «Ёш юлдузлар».
18.10 «Фуқаролик жамияти сари».
18.25 «Куйла, ёшлигим».
18.40 «Буни умр дерлар».
19.05 «Хаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Эзгу мақсад йўлида».
21.45 ТВ клип.
21.55 «Қиш сонатаси». Телесериал.
23.05 «Ахборот-дай-жест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Томир.
10.00 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.35 «Давр»-интервью.
10.50 ТВ - анонс.
10.55 Бегийм.
11.15 ТВ - адвокат.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 ТВ - анонс.
12.25 Сийрат.

12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Эркатой». Болалар учун фильм 3-қисм.
13.50 Интерфутбол.
15.30 Мусикий лаҳзалар.
15.40 «Олти жаҳонгашта». Бадий фильм.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Кичкинтой театри.
17.25 «Япониянинг боқий маданияти». Сериал 11-қисм.
17.45 «Наво». Мусикий кўрсатув.
18.00 Менинг маҳаллам.
18.10 ТВ - анонс.
18.15 Болалар спорти: аҳвол қандай?
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Мусикий лаҳзалар.

20.05 Азизим.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1. Футбол плюс, 2. Ринг қироллари.
00.05-00.10 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-

кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Навбатчи қисм».
20.45 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
21.40 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.
22.50 Кинонигоҳ.
«Тунукасолар».
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00-8.30.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вести».
17.45 «Бинафша».
18.10 «Форт Боярд».
19.30 «Евроныйос» янгилликлари.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес-ревью».
21.35 «Дурдаршан».
22.00 «Стиль».
22.15 «Бугунги медицина».

22.35 «Хит парад».
23.05 «Ахборот».
23.35 Кинематограф. «Чангалзорлик Жорж». Бадий фильм.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Кикбоксинг империяси». 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Давр йўлқалари-2». Комедия. 13.30 «У қотиллики баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт. 16.40 «Хужжатли сериал».
18.00 «30-канал» да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Еввойи бўри». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

15

«Ўзбекистон» телеканали

5.10 Рамазон тухфаси. «Имом Термизий». Телесериал.
5.35 Мумтоз наволар. Ўзбекистон.
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 ТВ анонс.
9.00 «Буни умр дерлар».
«Болалар сайёраси»:
9.25 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.25 «Мусиқа дунёси». Телеальманах.
10.45 «Бу турфа олам».
11.25 «Изҳор».
11.40 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Ифтихор». Бадий фильм. 1-қисм.
12.45 «Адабий жараён».
13.00 «Қиш сонатаси». Телесериал.

14.10 «Жиз-биз». Ҳажвий кўрсатув.
14.30 «Ифтихор». Бадий фильм. 2-қисм.
15.35 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
16.35 «Ягона оилада».
17.05 Рамазон тухфаси. «Киши ҳаққин емоқ - гуноҳи азим».
17.25 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».
17.40 «Бугуннинг одамлари».
17.55 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.25 «Рангин дунё».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».

21.05 «Олтин дала». Дам олиш дастури.
21.35 «Қиш сонатаси». Телесериал.
22.45 «Боболари Алпомиш». Видеофильм.
23.15 «Ахборот-дай-жест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ - анонс.
9.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Кичкинтой театри.
10.15 Табобат оламида.
10.40 Ринг қироллари.
11.30 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
11.45 ТВ - адвокат.
11.50 «Гвадалупе». Телесериал.
12.30 Мусикий лаҳзалар.

12.45 Болалар экрани: «Хамма гап шляпада», «Кўшниллар». Мультфильмлар.
13.10 Бола тилидан.
13.40 «Унсиз фарёд». Бадий фильм.
15.10 Болалар спорти: аҳвол қандай?
15.25 ТВ - анонс.
15.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.50 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
16.40 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Навоий театри» 1-қисм.
17.00 ТВ - анонс.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Шум болалар.
17.45 Меҳмонхона.
18.05 Саломатлик сирлари.
18.25 Бизнес-академия.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» репортаж.
19.45 Мусикий лаҳзалар.

19.55 Кутилмаган меҳмон.
20.15, 21.10, 22.35 Ёшлар.
20.20 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 1-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ниначи». Бадий фильм.
00.20 - 00.25 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 «Мультчархпалак».
18.05, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30 «Афиша».
18.50 «Мисли гавҳар».
19.05 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.35 «Жаҳон географияси».
20.05 «Нима учун?»
20.35 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
20.55 «ТВ плюс».

21.25 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
22.15 Кинонигоҳ.
«Муҳаббат қадри».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 Мультфильм.
10.10 «Лаззат».
10.30 «Қизикарли кино».
11.30 Болалар соати: «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадий фильм. 2-қисм.
12.40 CFI тақдим этади: «Илм-фан афсонаси».
13.30 «Бола бошидан».
13.45-14.45 Дўстлик видеоканали: «Саҳий хонадонда», «Умид», «Бизнен мирас».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Билишни истайман».
16.50 «Ҳикоя».
17.10 Премьера. Ж. Чан, Ж. К. Ван Дамм, Рутгер Хауэр. «Трюкачлар» экстремал шоусида.

18.00 «Янгилликлари».
18.10 «Бехаловат гувоҳ». Бадий фильм.
19.40 «Сўнгги қаҳрамон».
20.50 Футбол. Россия-Уэльс терма командалари. Европа-2004 чемпионати.
23.00 «Время».
23.30 «Ахборот».
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур».
12.00 Оилавий кино. «Еввойи бўри». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Хинд киноси. 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми. «Клейтон» базаси. 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 20.30 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.05 «Аждодлар ҳазиналари». Сериал. 22.00 «30-канал» да кинооқшом. «Қуёш кўз ёшлари». 23.45 Мусикий дастур.

Yakshanba

16

«Ўзбекистон» телеканали

5.10 Рамазон тухфаси. «Киши ҳаққин емоқ - гуноҳи азим».
5.30 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Қамолдин Бехзод».
5.50 «Кўҳна замин оҳанглари».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.45 «Қамалак».
Болалар учун кинодастур.
9.45 Олтин мерос.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Маърифат». Телеальманах.
12.30 «Рақибингиз - гротескмейстер».
12.45 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.

13.25 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.35 «Қорақалпоқнома». 14.55 Телевизион миниатюралар театри.
15.20 ТВ анонс.
15.25 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
16.25 ТВ клип.
16.30 «Портретга чизгилар».
16.50 «Олимп сари йўл». Спорт дастури.
17.05 Рамазон тухфаси. «Меҳнатдан келса бойлик».
«Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Хаёт дарслиги».
2. «Олтин тож». Телевизион уйин.
18.25 «Иқтидор». Телешоу.
19.00 ТВ клип.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-

кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Кун мавзуси».
21.25 Эстрада тароналари.
21.45 «Қиш сонатаси». Телесериал.
22.55-23.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ - анонс.
9.05 «Давр»-репортаж.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Шум болалар.
9.50 Қувноқ дастурлар.
10.20 Очил дастурхон.
10.40 Чемпион сирлари.
11.00 ФИФА (футбол ичида, футбол атрофида)
11.40 «Ёшлар» телеканалида харбий - ватанпарварлик дастури: 1. Марди-майдон, 2. Аскар мактублари, 3. Қутқарув 050, 4.Чегарачи.
12.55 Оҳанрабо.

13.35 «Заковат». Саралаш уйинлари.
14.30 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 1-қисм.
15.20 Азизим.
15.50 ТВ - анонс.
15.55 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
16.45 Ёшлар овози.
17.05 «Ўзбектелефильм» студияси намоиш этади: «Навоий театри» 2-қисм.
17.35 ТВ - анонс.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Уй вази-фаси.
18.25 «Трям-салом». Мультфильм.
18.35 Спорт ҳафтанома-си.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 «Давр» - news.
19.15 ТВ - анонс.
19.20 Мусикий лаҳзалар.
19.30 Сув - ҳаёт манбаи.
19.35 Оила тилсимми.
20.00, 20.55, 22.30 Ёшлар.
20.05 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 2-қисм.

21.00 «Қилич қирқ ёриб...» Интеллектуал уйин.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ - анонс.
22.40 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Зўраки миллионер». Бадий фильм.
0.05 - 0.10 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.25, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
20.55 «Озод ва обод юрт».
21.15 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
22.05 Кинонигоҳ. «Анойи Шпунс».
23.25-23.30 Хайрли тун.

шаҳрим !

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили курси».
9.15 «Соғлом овқатла-ниш сирлари».
9.25 «Олам бўйлаб».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалиги-да».
11.10 «Уйғоқ кайфият». Информацион-дам олиш кўрсатуви.
12.40 «Дорихона эшитида».
13.30-14.50. Дўстлик видеоканали: «Рангин-камон», «Дидар», «Ватан сурури», «Чинсэн».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Мультсеанс».
17.30 «Мусикий серпантин».
18.10 «Ассалом, Франция!»
18.30 «Збигнев Вадецкий ижросидаги концерт».
19.00 «Кинопрофи».

19.20 «Дунёга назар».
19.50 «Тенгдошлар».
20.25 «Аншлаг».
21.05 «Кўнги-кўнгила пайванд».
21.40 Софи Марсо «Бельфегор-Лувр шарпаси» фильмида.
23.40 «Тахлилнома».
00.30 Бокс. Марко Антонио Баррера - Мэнни Паскуао.
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Қуёш кўз ёшлари». 14.30 Кундузги кинозал. «Юрак ҳаловати». 16.10 Маърифий дастур. 16.40 Мусикий дастур. 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Хеллоуин. Тири-лиш». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Аждодлар ҳазиналари». Сериал. 22.00 «30-канал» да яқшанба кинооқшоми. «Антикдилер». 00.30 Спорт шарҳи.

Ҳар бир оилага кириб борсин

БИЛИБ ҚИЛИНГАН ТАРҒИБОТ

бутун мамлакатда аҳоли ўртасида спортни кенг
оммалаштиришнинг энг таъсирчан омилларидан биридир

лиги биз учун кувончлидир.

Дарвоқе, вилоятимиз спортчилари дунё миқёсидаги турли мусобақаларда юртдошларимиз эришган ютуқларга муносиб улуш қўшиб келмоқдалар. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, Оққўрғон туманидаги «Уста Нормат» маҳалла футбол жамоаси икки марта Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Эндиликда «Уста Нормат»нинг ютуқлари кенг тарғибот қилиниб, таърибаси бутун вилоятга оммалаштирилмоқда.

Ёки келеслик иқтидорли полвон Дилшод Мансуровнинг голибона юришлари медаллари шодасига бир назар ташлайлик. Ҳали том маънода елкаси ер искамаган бу курашчи жуда ёш бўлишига қарамай, нафақат Тошкент вилояти, балки Ўзбекистоннинг фахрига айланди. Энди у ўз кишлоғида кураш клубини очиб, атрофдаги ёшларни спортнинг ушбу оммавий турига жалб этиб, ўзи сингари номдор полвонлар сафини кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Лекин, тан олиш керакки, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон спортчилари эришган ютуқларни, республика ҳукуматининг оммавий спорт турларини бутун мамлакат бўйлаб кенг ва жадал ри-

вожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ёритиб боришда собитқадамлик қилолмаяпти. Айниқса, ўқувчи ва талаба-ёшларнинг уч босқичли спорт ўйинларини ўтказиш, мамлакатда болалар спортини ривожлантиришга оид Президент Фармони ҳамда ҳукумат қарорининг ижроси борасидаги илғор таъриб ҳамда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақидаги атрофлича ва чуқур таҳлилий мақолалар кам.

Айтиш жоизки, республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатда спортни янада ривожлантириш ва унинг оммавий турларини кенг тарғибот-ташвиқот қилиш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, қаерда жисмоний тарбия ва спорт кенг ривожланган бўлса, ўша жойда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи қарор топади.

Табиийки, турли спорт мусобақалари натижаларини мухлис-ларга етказишда телевидение бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан устувор имкониятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Ўзтелерадио» компаниясида 2004 йил 1 январдан махсус «Спорт» телеканалининг очилиши айтиш мумкин бўлиб, унинг ҳам мусобақаларни кенг ёритиб боришга, ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг

тарғибот-ташвиқотида катта ҳисса қўлишига шубҳа йўқ.

Қарорда спорт соҳасига ихтисослашган малакали журналистларни тайёрлашга алоҳида ўрин берилгани бежиз эмас. Чунки, мамлакатнинг айрим минтақаларида мутасадди раҳбарлар, жамоатчилик ва ота-оналар ўртасида спортга лоқайдлик билан қараш ҳоллари мавжуд. Бу тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли эмаслигидан далолатдир. Бунинг сабаби эса, журналистларнинг спорт соҳасига ихтисослашиш жараёни суст кечаётганидир.

Спорт соҳасини ёритувчи журналист юқори малакали бўлсагина жисмоний тарбия ва спорт тарғиботи ҳам юксак савияда олиб борилади. Шундай бўлиши шарт. Зеро, гап аҳоли, айниқса, ёшларни нафақат жисмоний чиниқтириш, етук спортчиларни тарбиялаш, балки мамлакатда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимиз келажаги бўлган ёшларнинг ўз қобилият ва истеъдодларини тўла намоён этишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш бериш ҳақида бормоқда. Бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўлиш эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ходимларининг бурчидир.

Абдусамид ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.



Бу қиз ҳақида гап кетганда, мураббийларнинг фикри доимо бир жойдан чиқади: интилувчан, зийрак, ўз устида беватиним ишлашга шай спортчи.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Тошкент туманидаги Охунбобоев номли 9-ўрта мактабининг 6-синф ўқувчиси Шахноза Мирсоатова том маънода кўпгина фазилатларга эга. У муррақлигидан қаратэга ихлос қўйиб, мунтазам шуғулланиб келмоқда. 2000 йили бўлиб ўтган республика чемпионатидаги кумитэ баҳсларида голиб бўлди.

Айниқса, 1998 йил Шахнозаниннг хотирасида ўчмас из қолдирган. Ушанда Мирсоатова «Мустақиллик—1998» биринчи халқаро мусобақасида 5-8 ёшдаги қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионлигига эришган. 5-6 ёшли чоғларида Марказий Осиёда энг яхши спортчи номига сазовор бўлган.

У ҳозирги кунда Ўзбекистон қаратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов қўлида қаратэ сирла-

рини ўрганмоқда. Биз юқорида Шахнозани кўп сифатли спортчи дедик. Ўз навбатида устози уни шундай таърифлайди:

— Бағоят одобли қиз. Унга дўст сифатида бемалол таяниш мумкин, ҳеч қачон юзингни ерга қаратмайди. Қаратэчи мақомида ҳам малакали спортчи. Агар жаҳон чемпионати ёхуд халқаро турнирларда гиламга энг иқтидорли спортчини чиқаришни танлаш ихтиёри берилгудек бўлса, биринчи бўлиб Шахнозани чиқаришни таклиф этган бўлардим. Агар шу ҳаракати сўнмаса, ўзи кутганидан зиёдроқ натижаларга эришиши мумкин. Қисқаси, Шахноза — Ўзбекистон спортининг эртаси.

СУРАТДА: Нурхон Нафасов Шахноза Мирсоатова билан.

ЯНГИ МАЖМУАЛАР ҚУРИЛАДИ

Вилоят ҳокимлигида болалар спорт иншоотларини қуриш бўйича навбатдаги тендер савдолари бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг икки туманида болалар спорт мажмуалари қурилиши учун пудратчилардан вакиллар иштирок этди.

Вилоятдаги кўплаб қурилиш ташкилотлари ушбу тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган бўлса-да, комиссияга тақдим этилган ҳужжатларда Низомга риоя этилмаганлиги туфайли уларнинг бештасигагина савдоларда иштирок этиш имкони берилди. Ангренда (Облик қўргониди) бунёд этилиши кўзда тутилган (жами қиймати 139 миллион сўмлик) спорт мажмуаси қурилиши учун бўлган савдоларда Андижондаги 3-пудратчи қурилиш ташкилоти голибликни қўлга киритган бўлса, Куйичирчик туманининг Дўстобод шаҳарчасида қад ростлаши режалаштирилган (жами қиймати 172 миллион 500 минг 255 сўмлик) болалар спорт мажмуаси қурилиши учун савдоларда «Тошмелиосувқурилиштрести» қурувчиларининг омади чопди.

Бўлиб ўтган савдоларда вилоят ҳокими ўринбосари Абдухамид Йўлдошев ва тендер ўтказиш вилоят комиссиясининг бошқа масъул аъзолари қатнашдилар.



Акс-садо

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз спортини янги сифат босқичига кўтаради.

Спорт оммавийлигини таъминлаш орқалигина жамиятнинг барча жабҳаларида соғлом муҳитни юзага келтириш мумкин. Шу мақсадда кўп йиллардан буён фахрийлар ўртасида аънавий футбол турнири ўтказиб келинмоқда. Муддао спорт билан шуғулланишда уйғунликни таъминлаш, авлодлар эстафетасини давом эттиришдан иборат.

Яқинда ёши қирқдан ошган фахрийлар ўртасида футбол супер-турнирини ўтказмоқчимиз. Унда Қозоғистоннинг «Чимкент», «Пахтакор», «Тонг» ва вилоят фахрийлар футбол жамоалари қатнашади. Улар ўзларининг спортдаги иштироклари орқали ёшларга матонат ва дўстликда ўрнатилган.

Вилоятимиз ўзига хос футбол таърибасига ҳам эга. Республика «Футболчимиз келажаги»

турнирининг уч ёш гуруҳидан иккитасида «Уста Нормат» (11-12 ёшлилар ўртасида) ва «Эшонгузар» (13-14 ёшлилар) голибликни қўлга киритган. Маҳалла жамоаларидан ташқари жорий

ИМКОНИАТЛАР ЕТАРЛИ

йилда Олмалиқнинг «Металлург» жамоаси ҳам Ўзбекистон чемпионатининг биринчи лигасига ўтиш турнирида қатнашиш имконини қўлга киритганлиги ҳам спорт мухлисларини қувонтирмай қолмайди.

Маълумки, яқинда мамлакатимизда 2004 йилда Япония ва Малайзияда ўсмирлар (1988 йилгача туғилганлар) ва ёшлар (1985-1986 йиллар) ўртасида футбол бўйича бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатининг саралаш учрашувлари бўлиб ўтиб, унда мамлакатимиз футболчилари

икки ёш гуруҳида ҳам Осиё чемпионати финалида қатнашиш имконини қўлга киритишди. Финалчилар орасида бўкалик Александр Шадрин, оққўрғонлик Бехзод Муқимов, янгийўллик Аҳмед Галиев, Элдор Тожибоевлар борлиги, албатта, қувонарли. Бироқ бу эзгу ишларга панжа орасидан қараётганлар ҳам топилади. Мамлакат спортига салмоқли улуш қўшаётган янгийўллик ёшлар қўшни туманларда спорт билан шуғулланишларини қандай ҳазм қилиш мумкин? Ахир, эртанги кунимиз улар қўлида-ку. Бунинг мутасаддилар англашига фурсат етди.

Спортни ривожлантиришга вилоятимизда етарли шароит бор. Фақат иштиёқ ва келажака озгина фидойилик бўлса бас. Шу маънода мазкур қарор спорт жонқуярлари ва ишқибозларига қанот беради, мусобақалар сонини бундан-да кўпайтиришимизга имкон яратади, деб ўйлайман.

Шомил ЯФАРОВ,
вилоят футбол
федерацияси масъул
котиби.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Тошкентдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи ва «Пахтакор» марказий стадионида келаси йили Хитойда бўладиган Осиё чемпионатининг «А» саралаш гуруҳи беллашувлари бошланди.

«Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Сянган (Гонконг) футболчилари билан куч сынашди.

Футболчиларимиз ўйинни кескин ҳужумлар билан бошлади. Учрашувнинг биринчи дақиқасидаёқ Россия премьер лигасида «Ростов» шарафини ҳимоя қилаётган А.Акопян ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Терма жамоамиз сянганликлар устидан 4:1 ҳисобида ғалаба қозониб, биринчи турдан сўнг гуруҳ пешқадамига айланди.

Ў.А.

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиалида

2003 йил 29 октябрь куни ўтказилган ким ошди савдосида Паркент туманида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 4 та ер майдони жами 570000 сўмга, Пскент туманида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 2 та ер майдони ва сатҳи 0,06 га бўлган 1 та ер майдони жами 220000 сўмга, Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитасига қарашли ТИКО русумли давлат автотранспорти жами 1600000 сўмга сотилди.

2003 йил 20, 22, 24 октябрь кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва

Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган жами 9 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 1950000 сўмга, Қибрай, Пскент, Зангиота, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманлари ҳудудида жойлашган 12 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 41841000 сўмга сотилди.

2003 йил 27, 29, 31 октябрь кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай тумани ҳудудида жойлашган жами 32 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 9552000 сўмга, Қибрай, Зангиота, Янгийўл, Бўка туманла-

ри ва Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ҳудудида жойлашган 9 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 11403700 сўмга сотилди.

ДИҚҚАТ! 2003 йил 22 август куни бўлиб ўтган кимошди савдосида сотилган Паркент тумани, «Гулбоғ» ширкат хўжалигида жойлашган сатҳи 0,04 га бўлган 1 та № 19 ер майдонини савдо натижаси бекор қилинди ва 2003 йил 18 ноябрь кунидан бошлаб қайтадан кимошди савдосига чиқарилади. Ер майдонининг бошланғич баҳоси — 73920 сўм.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2003 йил 10, 17, 24, 31 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қуйилади:

1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 4-кичик мавзесида жойлашган, фаолият кўрсатмаётган, авария ҳолатига келиб қолган қуйидаги бино ва иншоотлар бузиб олиш шарти билан аукцион савдосига қуйилади:

1. 19-ўрта мактаб бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 8035530 сўм.

2. «Фунча» болалар боғчаси бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 1859510 сўм.

3. 3-болалар боғчаси бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 2676310 сўм.

4. 64-ётоқхона бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 6986400 сўм.

2. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани автомобиль йўллари бошқармасига қарашли ЗИЛ-431610 русумли, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами

11AE 500 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 716 500 сўм.

3. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани автомобиль йўллари бошқармасига қарашли НЕКСИЯ русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11AA 443 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 926 300 сўм.

4. Давлат экология экспертизасига қарашли ТИКО русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11AS 711 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 822 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Бекобод тумани марказий шифохонасига қарашли РАФ-2203101 русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11AQ 909 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 607 700 сўм.

6. Тошкент вилояти, Бекобод тумани марказий шифохонаси-

га қарашли РАФ-22031-01 русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11AN 462 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 607 700 сўм.

7. Тошкент вилояти, Бекобод тумани марказий шифохонасига қарашли РАФ-22031 русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11AN 461 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 607 700 сўм.

8. Тошкент вилояти, Бекобод тумани Марказий шифохонасига қарашли УАЗ-3152-01 русумли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11AE 668 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 414 500 сўм.

9. Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар инспекциясига қарашли ГАЗ-3102040 русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11AB 005 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси —

1 105 200 сўм.

Кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситаларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қуйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордени олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiyashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзилимиз:

Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй: Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Проспект эмиссии ОАО ОИФ «SARVAT-INVEST»

Зарегистрировано ЦКК при ГК 1 РУз № P0644 от 27.10.2003 г.

ОСНОВНЫЕ СВЕДЕНИЯ ОБ ЭМИТЕНТЕ

1. Полное и сокращенное название эмитента: открытое акционерное общество открытый инвестиционный фонд «SARVAT-INVEST», ОАО ОИФ «SARVAT-INVEST».
2. Организационно-правовая форма эмитента: открытое акционерное общество.
3. Местонахождение и банковские реквизиты: 700060, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 36, р/с 20208000301548236001 в ОперУ ПАК «Галлабанк», г. Ташкент, МФО 00452, ИНН 202234080.
4. Наименование регистрирующего органа, дата и № регистрации: хокимият Мирабадского района г. Ташкента, № 1381 от 10.09.2003 г.
5. Основные виды деятельности: операции с ценными бумагами.
6. Количество акционеров: 3299.

СВЕДЕНИЯ О ПРЕДСТОЯЩЕМ ВЫПУСКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ

1. Общие данные о ценных бумагах:

- общий объем выпуска - 133 880 400 (сто тридцать три миллиона восемьсот

восемьдесят тысяч четыреста) сум.;

- выпускаемые ценные бумаги - акции простые, именные безналичные;
- количество выпускаемых ценных бумаг - 1 338 804 шт.;
- номинальная стоимость - 100 сум.

2. Данные о порядке выпуска ценных бумаг:

- данный выпуск акций фонда производится в связи с переходом из Приватизационного инвестиционного фонда «SARVAT-INVEST» в Инвестиционный фонд и присоединением ПИФа «MEROS-SARMOYA» согласно решению совместного общего собрания акционеров от 26.07.2003 г. и решения хокима Мирабадского района г. Ташкента № 1381 от 10.09.2003 г.;
- орган управления, принявший решение о выпуске;
- совместное внеочередное общее собрание акционеров от 26.07.2003 г.;
- начало процесса размещения акций - с момента регистрации проспекта эмиссии в ЦКК при ГК 1 РУз, окончание размещения акций - 1 месяц после регистрации проспекта эмиссии.

Дополнительная информация об эмитенте может быть получена по адресу: г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 36, комн. № 527 или по телефону 132-13-26.

«КАГЕРО ҚИШЛОҒИДАГИ КАМАЛАК»

Юртимизда Япония маданияти кунлари давом этмоқда. Замонавий санъат марказида расм Шинсукэ Шинодзава асарларидан иборат "Кагеро қишлоғидаги камалак" мавзусидаги кўргазма очилди.



У Ўзбекистон Бадиий Академияси, Маданият ишлари вазирлиги ва Япониянинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Таниқли мусаввир ўз асарлари билан Дания, Буюк Британия каби давлатларда ўтган кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

"Ўзбектеелефильм" студиясида ишланган "Тўкинлик" телевизион ҳужжатли фильмнинг тақдими бўлди.



Истиклолнинг илк йиллариданок юртимизда ғалла мустақиллигини таъминлаш ҳаракати бошланган эди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг бу борадаги қатъий ва изчил сиёсати бугунги кунда ўзининг самарасини бермоқда.

Фильмда мамлакатимизда ана шу жабҳада амалга оширилган ва оширилаётган улкан ишлар, эришилган ютуқлар, истиқболдаги режалар хусусида ҳикоя қилинган.

Фильм сценарийсини Шойим Бўтаев ёзган. Режиссёр — Шухрат Бизаатов, оператор — Марат Солиев.

ЎЗА.

ХЎЖА НАСРИДДИН БЕРЛИНДА

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистон туристик салоҳиятига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Германиянинг «Лернидее райзен» сайёҳлик фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон хайъати ҳам иштирок этди.

Мамлакатимиз вакиллари йиғилганларга юртимизда туризм соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар, мавжуд имкониятлар ҳамда ҳукуматимизнинг соҳа ривожига қаратилган сиёсатининг моҳияти хусусида ба- тафсил маълумот бердилар.

Германиялик мутахассислар фикрига кўра, мазкур кеча ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий мероси, ўзига хос урф-одатлари, бетакрор санъати ҳамда меъморчилик анъаналарига эга эканини яна бир бор намоён этди.

Тадбир доирасида ўтказилган шарқ эртаклари китобининг тақдироти кечага ўзгача шуқуқ бахш этди.

Китоб муаллифи, таниқли немис ёзувчиси М.Шильднинг буюк саҳоватпеша, топқир, билимдон Хўжа Насриддин хусусида аниқ ва раван тилда баён этилган ҳикоялари йиғилганларга ўзбек халқининг бой адабий меросидан баҳраманд бўлиш имконини яратди.

— Мен Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман, — деди

«Жаҳон» АА.

Ресторанга икки киши кириб келди. Икковининг ёшини аниқлаш қийин — чол десанг, даҳанларида биронта тук йўқ, ўрта яшар десанг, қадлари букчайган, оёқларини судраб босишади. Бирининг боши ғознинг туҳумидай чўзинчоқ, катта; иккинчисиники эса носқовоқдайгина, яланг.

Улар мулозамат билан бир-бирларини бурчакдаги столга ўтказдилар ва ёнларидан рўмолча чиқариб, ялтироқ бошларини артдилар, чучур «уф» тортдилар.

— Ҳм-м, шунақа, азизим, — деди бири столга ўмганини тираркан. Хафа бўлганимча бор. Бу коллоквиум эмас, айнан комедия бўлди. Бирок мен сизга айтсам, шогирди ношукрингизнинг иши анти...

— Мутлақо ноҳақсиз, — эътироз билдирди иккинчиси қўлларини иягига тираб. — Унинг иши аксиома, ҳа-ҳа, аксиома. Ҳеч қандай исботнинг кераги йўқ.

— Азизим, мундоқ ўйланган-чи. Ахир, гапирган гаплари демагогия-ку!.. Дискуссияда ҳам шу гапни айтдим. Апостериори ва априори ҳақида аниқ, равшан қилиб ёзиб қўйилбди. Яъни: апостериори — ҳиссий идрок қилиш орқали тажрибадан олинган билим. Идеалистик философия, айниқса, Кант философияси тажрибагача бўлган билим билан тажрибадан олинган билимни бир-бирдан фарқ қилиб қарайди. Билимимиз онга хос бўлган қандайдир априор формаларга бурканган тақдирдагина ишончли бўлади. Бизнинг билимларимиз...

— Пировард натижада тажрибадан ҳосил бўлади, яъни биздан ташқарида мавжуд бўлган, сезги органларимиз таъсир қилиб турадиган предметлар ва ҳодисаларнинг инъикосидир, шу сабабли қандай бўлмасин, бирор априор билим бўлиши мумкин эмас.

— Ҳа, баракалла, лекин, шогирди ноқобилингиз нима деди? Қонуниятнинг нақ ярмини инкор қилмоқчимиз?

— Ноҳақсиз, азизим, ноҳақсиз. Оппозицияга йўл қўяспиз, натижада ревизионистлик қилмоқдасиз, азизим.

— Йўқ, муҳтарам дўстим, янглишасиз. Ўзингизни альтурист кўрсатиб, бир аморалистнинг ёнини олаёспиз. Оқибати ўйлаб кўрилса, асло зарар қилмайди.

— Азизим, Ҳм-м, биласизми, сиз аморалист деб шогирдимни, жумладан, каминани ғоятда ранжитдингиз. Азизим, нима бу — аннекциями?

— Қандай тушунсалар, ихтиёр ўзларида. Локкин, сиз диктат юритмоқчисиз чамада.

— Сизнинг блокадага ишқибозлигингиз олдида бу ҳеч гап бўлмас керак, деган фикрдаман. Гегемонлик истаги ўзларида кўпроқ, азизим. Ёнингиздаги гигантлар билан қўшилиб...

— О-о, нималарни назарда тутаёптилар? Мен бунди диспут деб ўйласам, гап жиловни бошқа ёққа қараб кетаяпти шекилли... Ҳм-м, интуициям билдиргани-я. Хато фикр, хато. Демак, шогирдлари идеал экан-да.

— Тўғридан-тўғри бундай дейиш унча мос гап бўлмас. Аммо, фанга қўшган ҳиссасини инкор қилиш негативизмдан бошқа нарсас эмас.

— О-о, азизим, нималар деяпсиз. Обьективлигим барчага маълум. Аммо, унинг иши демагогия ахир. Мени тўғри тушунинг, у индивидуалист.

— Билмадим, азизим, билмадим. Стратегияси аниқ. Ва, умуман, оригиналлик бор. Фақат сизга етиб бормапти шекилли. Хў-ўш, тўғриси айтсам, сиз истерик бўлиб қолаяспиз.

— Ў-ў, жуда оширвордилар. Менингча ўзлари психозга учраганлар.

— Ҳи-ҳи-ҳи, вакуум бошдангина чиқиши мумкин бундай идея.

— Ғоятда хурсанд қилдингиз-ку. Сиз азизим, варварсиз. Аф утгайлар, лекин, варварсиз!

— Сиз эса, азизим, хамелеонсиз. Ҳа-ҳа, ҳў денг. Ҳақиқий хамелеон.

— О-о, қандай ўхшатиш. Ғоятда оригинал. Аммо, ўзлари — тизтип, — у ўнг қўли билан кўксини чангаллади.

— Сиз эса, азизим... Мана сувдан ичсинлар, сиз эса, демонсиз. И, ҳа, овқатланмайдиларми?

— О-о, йўқ, уйга борақоламан.

Улар ташқарига йўналдилар. Ёнларидан столда уларни кузатиб ўтирган икки киши ортларидан хавас билан қараб қолишди.

— Қандай ажайиб, қалин дўстлар-а! — деди ўтирганлардан бири.

Ориф ФАРМОН.

Bolalik bog'i

DARAXT

Odamlarga
o'xshaydi daraxt,
Shamolda entikib
chiqarar barg — sas.
Kurtaklarda
tars yorilar ahd,
Quyoshga intilib
qo'zg'aydi havas.

Odamlarga o'xshamas
daraxt,
Tashlab ketolmaydi
ungan yerini.
Birovga yomontlik
qilmaydi hech vaqt,
Qo'llay ham olmaydi
biri-birini.
Ne'mat DUSHAYEV.

СИЁҲИ ҚУРИМАГАН ЭЪЛОНЛАР

Хоналарни кунига икки маҳал супуриб-сидириб (ҳафтада бир неча марта совунлаб, порошок-лаб ювилади), икки маҳал овқат пишириш, кечкурун эса, каминани сайрга олиб чиқиш каби юмушларни бажаришга эринмайдиغان бўйдоқ эркакларни ижарага қўяман. Квартирам икки хонали бўлса ҳам, шаҳар марказида жойлашганлиги учун ижара ҳақини валютада оламан. Валя хола. Телефон...

«Волга» автомобилни ижарага бераман. Машина моторини устага тузаттиргани ёки янгисини ўрнатгани учун сарфланган харажатлари бунга қирмайди. Болтабой сўралсин. Телефон...

Чет эллардан келтирилган до-рилар бор. Бир марталик шприц ҳам исталган микдорда сотилади. Кечкурун уйдан, кундузи ишхонадан катта ҳамшира Назокат сўралсин. Телефон...

Балиқ тутиш анжомлари сотилади. Кўрсатилган телефонга қўнғироқ қилинг. Агар гўшакни қайнонам кўтарса: «Кечирасиз, янглишибман» денг.

Зоир ЗИЁ.

Тошкент вилояти Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси жамоаси бош мутахассис Шерзод Фазлиддинович Расуловга ўғли
АБДУЛАХДНИНГ
бевақт вафоти муносабати билан
чуқур таъзия изҳор этади.

Расом хандаси



ЗАМОНАВИЙ МАҚОЛЛАР

- Молни кўрмай пул чиқарма, қизни кўрмай гул.
- Йирик сотган бойиб кетади, майда сотган тойиб.
- Кўзи тўймаслигини қорни билади.
- Муомала билган тили билан қозон қайнатади.
- Сотиб кўрмаган харидор бўлолмайди.
- Яхши муомала — шовқинсиз қопқон. Ёмон муомала — ўзингга сопқон.
- Таниши кўп кишининг, қийини йўқ ишининг.
- Сотувчининг чопгани — мудиранинг топгани.

Об-ҳаво

Гидрометеорология
Бош бош-

қармасининг хабар беришича, 8 ноябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-8, кундузи 14-16 даража иссиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-8, кундузи 11-14 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тарилди ва
саҳифоланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.